

Рост сўз



09:10 / 09.06.2019 2263

Маймун ибн Меҳрон айтади: «Бир роҳиб Умар ибн Абдулазизнинг олдига кирди. Умар ибн Абдулазиз ундан: «Нима учун тинмай йиғлаяпсан?» деб сўради. «Эй мўминлар амири, мен шундай одамларни кўрдимки, улар учун диндан афзалроқ нарса йўқ эди. Бугун эса одамлар учун дунёдан афзалроқ нарса йўқ. Билдимки, бугун художўй одам учун ҳам, фожир одам учун ҳам ўлим яхши экан», деди. У чиқиб кетгач, Умар ибн Абдулазиз: «Рост айтдинг, эй роҳиб Абу Айюб», деди».

«Солиҳлар гулшани» китобидан